

7«11»2022 yil.

63-5-75-ХТ/2022-son

**ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 7**

2022 йил "7" ноябр

Навоий шахри

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Томди тумани 2-сонли мактаб интернати (буюртмачининг номи)

номидан устави асосида иш кўрувчи

(устав, низоми, шартнома) М.Кулжанов бир томондан ва кейинги ўринларда

(раҳбарнинг фамилияси, исми, отасининг исми)

"Пудратчи" деб юритиладиган "TRIUMVIRAT – 0116" МЧЖ

(юридик шахснинг номи)

номидан устав

(устав, низоми, шартнома)

асосида иш кўрувчи Юлдашев Отабек Шавкатович (раҳбарнинг фамилияси, исми, отасининг исми)

иккинчи томондан Томди тумани 2-сонли табиий фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб интернатининг иситиш тизимини жорий таъмирлаш бўйича

(объектнинг номи)

қуйидаги шартномани туздилар.

**I. ТАРИФЛАР**

1. Бажариладиган қурилиш ишлари лойихага асосан олиб борилади, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги туғрисидаги далолатномалар ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар ва бажарилган ишни буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномаси (Форма-2) асосида иш олиб борилади.

Ишларни бажариш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вақтинчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

**II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ**

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига Томди тумани 2-сонли табиий фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб интернатининг иситиш тизимини жорий таъмирлаш бўйича нуксон далолатномасида кўзда тутилган ҳолда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ**

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори (2022 йил " 31 " 10 ) даги

баённома билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 184776796 (Бир юз саксон тўрт миллион етти юз етмиш олти минг етти юз тўқсон олти ) сўми ташкил этади.

(сумма ёзув билан)

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми ва тури қатъий равишда ўзгартирилмайди (қонунда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Шартномага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

қурилиш майдони қўриқланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкӣ жавоб беради.

#### V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага \_\_ иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган ва тегишли равишда руйхатга олинган кундан бошлаб Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари руйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

#### VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10. Шартнома: миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайдан бошлаб; кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ ва Навоий шаҳар Ғазначилик булинмасидан руйхатдан ўтказилгандан кейин қонуний кучга киради амал қилиш муддати "31" декабр 2022 йил.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 60 кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар Смета ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

#### VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида аванс ўтказилади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс берилгандан сунг, кейинги тулов "Бажарилган ишлар" далолатномасига (форма-2) асосан амалга оширилади.

16. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

#### VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

18. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига асосан ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

19. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга рўйхат этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

20. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

21. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни казиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

22. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

23. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

24. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

25. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

26. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитектқурилишназорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

27. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

28. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

29. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

#### IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

32. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### X. КАФОЛАТЛАР

#### 34. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш мажбуриятини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бугловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

35. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Давархитектқурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

### XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

#### 36. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

#### 37. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

38. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

39. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

40. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

41. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКҲЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

42. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси

Конунда, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

43. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.01 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

44. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 0.01 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

45. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.01 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилга нуқсонлар ва қачиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчининг ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

46. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Давархитектқурилишнадзорат" инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 50 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

47. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

48. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

### ХІІІ. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

49. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

### ХІV. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

50. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

51. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

52. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар амалдаги қонунларга

асосланган равишда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

53. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни асосланган ҳолда расмийлаштирилиши ва амалдаги қонунларга асосланиб тасдиқлаши керак.

54. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

55. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

56. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусxada тузилди.

57. Шартнома имзоланиб, Газначиликдан рўйхатдан утгандан сунг қонуний кучга киради ва амал қилиш муддати "31" декабр 2022 йилгача ҳисобланади..

## XV. КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

58. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.09.2021 йилдаги "Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6313-сонли Фармониининг 3-қисм в) бандига мувофиқ: - ҳар бир томон, шу жумладан барча ходимлар, вакиллар, шунингдек улар томонидан жалб қилинган ёки улар номидан иш олиб борадиган бошқа шахслар, бошқа томонга, унинг ходимларига, вакилларига, потенциал ёки мавжуд мижозларга ва ҳар қандай тегишли Ҳамкорларига, шунингдек, бошқа томон томонидан жалб қилинган ёки унинг номидан иш юритадиган бошқа шахсларга ("Иштирокчи Томонлар") моддий/номоддий рағбатлантириш, манфаат, тақдирлаш, таклифлар (шу жумладан, чекланмаган ҳолда, ҳар қандай тўлов шакли, совғалар ва бошқа мулкий имтиёзлар, мукофотлар ва манфаат (пул ёки ҳар қандай қиймат кўринишида)) бермасликни яъни, молиявий мукофот, мулк, мулк ҳуқуқини таклиф қилмасликни, бермасликни қафолатлайд ва шунга мажбур.

## XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

### ПУДРАТЧИ

"TRIUMVIRAT-0116" МЧЖ  
Юридик манзилгоҳ Карман тумани  
тумани Янги Томди кўрғони  
Ширин кўчаси 21-уй  
ТЕЛ: 91-335-31-13, 93-313-92-56  
21-365  
Хр: 2020 8000 9006 9303 6001  
1000021860122447092300075003

Банк номи АТ Алоқабанк Тошкент ш. Бош офиси  
Банк номи Марказий банк Тошкент  
Банк коди(МФО) 00401  
Банк коди 00014  
ИНН 304441699  
ИНН 305725192  
ХХТУТ 61124

Рахбар Юлдашев Отабек Шавкатович

### БУЮРТМАЧИ

Томди тумани 2-сонли мактаб интернати  
Томди Юридик манзилгоҳ Томди тум  
Янги Томди Кургани  
тел 79-58- ТЕЛ: 79-58-21-365  
ФАКС: 79-58-21-365  
Хр: Х/Р 10002186012244709230007500.

Банк номи Марказий банк То  
Банк коди(МФО) 00014  
ИНН 305725192  
ХХТУТ

Томди тумани газначилик бўлима  
Газначилик х/р: 234020003001000  
Банк номи Марказий банк То  
Банк коди(МФО) 00014

  
 (имзо) \_\_\_\_\_  


**Директор**  
**М.Кулжанов** *Фазначилик СТИРи:* \_\_\_\_\_  
*Рахбар* \_\_\_\_\_ *М. Кулжанов* \_\_\_\_\_  
 (Ф.И.О.)

Юрист \_\_\_\_\_

	<b>Hujjat <u>elektron raqamli imzo</u> orqali imzolangan.</b> <b>Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR</b> <b>Code ni skanerlang.</b>	
	Imzolovchi F.I.SH.	MUSABEK KULJANOV KULJANOVICH
	Imzolangan sana	07.11.2022 17:10
	Hujjat kodi	GC5337751275
	Hulosa kodi	OC3335272238



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

OC3335272238

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **pudrat shartnoma**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: TOMDI TUMANIDA 2-SONLI TABIIY FANLARNI CHUQURLASHTIRIB O'QITISHGA IXTISOSLASHTIRILGAN MAKTAB INTIRNAT tomonidan 07.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Tomdi tuman yuridik  
markazi  
bosh yuristkonsulti:



**J.D.TOTLIYEV**  
07.11.2022

**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 168053 на приобретение Томди тумани табиий фанларни чукурлаштириб укитишга ихтисослаштирилган мактаб интернати иситиш тизимини жорий тамирлаш**

Способ проведения электронный

Дата 31.10.2022

Время рассмотрения 31.10.2022 17:36

Закупочная комиссия Томди туманида табиий фанларни чукурлаштириб укитишга ихтисослаштирилган мактаб интернати, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	KULJANOV MUSABEK KULJANOVICH	Бошлик	Томди туманида табиий фанларни чукурлаштириб укитишга ихтисослаштирилган мактаб интернати
<b>Секретарь комиссии</b>	YESHMURATOV JANDOS BOLATOVICH	Бошлик уринбосари	Томди туманида табиий фанларни чукурлаштириб укитишга ихтисослаштирилган мактаб интернати
<b>Член комиссии</b>	OMARBAYEVA JANIMKUL MAKURUPBAYEVNA	Бухгалтер	Томди туманида табиий фанларни чукурлаштириб укитишга ихтисослаштирилган мактаб интернати
<b>Член комиссии</b>	BAYIMBETOV NURSEYIT TOBAKABULOVIH	Ишчи тамирлавчи	Томди туманида табиий фанларни чукурлаштириб укитишга ихтисослаштирилган мактаб интернати
<b>Член комиссии</b>	TASOV YERBOL MAXMUTBEKOVICH	Ишчи уста	Томди туманида табиий фанларни чукурлаштириб укитишга ихтисослаштирилган мактаб интернати
<b>Член комиссии</b>	JUNISBEKOVA ASEM YELMURATOVNA	Бошлик Уринбосари	Томди туманида табиий фанларни чукурлаштириб укитишга ихтисослаштирилган мактаб интернати

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 31.10.2022 года № лота 168053.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф. технико-квалификационной части: 50.00 / Весовой коэф. ценовой части: 50.00)

Мин. балл: 10

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по текущему ремонту отопления, Труб ГВС, ХВС, и канализации</b>
Подробное описание	Томди тумани табиий фанларни чукурлаштириб укитишга ихтисослаштирилган мактаб интернати иситиш тизимини жорий тамирлаш
Количество товара	1.00

Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	199 869 257.00
Стартовая сумма	199 869 257.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Банк хисоб ракамида 20% лик айланма маълумотномаси аудет хулосаси (Зарур)

Тип: Текстовое значение

Описание: Банк хисоб ракамида 20% лик айланма маълумотномаси аудет хулосаси (Зарур)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО QURUVCHI TA'MIRCHI-2019	10	Маълумотлар илова килинди	7	Экспертная		
Firdavs building new	10	мавжуд	7	Экспертная		
SHAVKATBEK NAVO MCHJ	10	мавжуд	10	Экспертная		

Критерий №2 Мазкур иш бажариш йўналиши бўйича амалга оширган фаолияти бажарилган ишлар форма 2-3 ҳамда шартномалар тулик маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Мазкур иш бажариш йўналиши бўйича амалга оширган фаолияти бажарилган ишлар форма 2-3 ҳамда шартномалар тулик маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО QURUVCHI TA'MIRCHI-2019	20	Маълумотлар илова килинди	12	Экспертная		
Firdavs building new	20	мавжуд	18	Экспертная		
SHAVKATBEK NAVO MCHJ	20	мавжуд	20	Экспертная		

Критерий №3 Томди тумани табиий фанларни чуқурлаштириб уқитишга ихтисослаштирилган мактаб интернати иситиш тизимини жорий тамирлаш

Тип: Текстовое значение

Описание: Томди тумани табиий фанларни чуқурлаштириб уқитишга ихтисослаштирилган мактаб интернати иситиш тизимини жорий тамирлаш

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО QURUVCHI TA'MIRCHI-2019	20	Маълумотлар илова килинди	10	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Firdavs building new	20	мавжуд	17	Экспертная		
SHAVKATBEK NAVO MCHJ	20	мавжуд	19	Экспертная		

Критерий №4 Танловда иштирок этувчи корхонанинг ретинг курсаткичларига эга булиши. (Зарур)

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этувчи корхонанинг ретинг курсаткичларига эга булиши. (Зарур)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО QURUVCHI TA'MIRCHI-2019	5	Маълумотлар илова килинди	2	Экспертная		
Firdavs building new	5	мавжуд	4	Экспертная		
SHAVKATBEK NAVO MCHJ	5	мавжуд	5	Экспертная		

Критерий №5 солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги; молиявий ҳолат бўйича тулик маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги; молиявий ҳолат бўйича тулик маълумотлар

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО QURUVCHI TA'MIRCHI-2019	10	Маълумотлар илова килинди	6	Экспертная		
Firdavs building new	10	мавжуд	8	Экспертная		
SHAVKATBEK NAVO MCHJ	10	мавжуд	9	Экспертная		

Критерий №6 Ишчи ходимларни сўғурталанганлиги (полес), ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги тугрисида ваколатли ташкилот ва органлар томонидан тасдиқланган маълумотнома. Иштирокчи корхона хақида маълумот. Маълумотда давлат рўйхатидан ўтган рақами ва санаси, юридик манзили, банк реквизитлари, корхона бенефициари ва таъсисчилари

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишчи ходимларни сўғурталанганлиги (полес), ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги тугрисида ваколатли ташкилот ва органлар томонидан тасдиқланган маълумотнома. Иштирокчи корхона хақида маълумот. Маълумотда давлат рўйхатидан ўтган рақами ва санаси, юридик манзили, банк реквизитлари, корхона бенефициари ва таъсисчилари

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО QURUVCHI TA'MIRCHI-2019	15	Маълумотлар илова килинди	10	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Firdavs building new	15	мавжуд	12	Экспертная		
SHAVKATBEK NAVO MCHJ	15	мавжуд	14	Экспертная		

Критерий №7 биноти жорий таъмирлаш ишларни бажариш учун фезабём

Тип: Текстовое значение

Описание: биноти жорий таъмирлаш ишларни бажариш учун фезабём

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО QURUVCHI TA'MIRCHI-2019	20	Маълумотлар илова килинди	10	Экспертная		
Firdavs building new	20	мавжуд	16	Экспертная		
SHAVKATBEK NAVO MCHJ	20	мавжуд	20	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
SHAVKATBEK NAVO MCHJ	199 869 257.00	184 776 796.00 UZS	184 776 796.00	00.00	184 776 796.00	31.10.2022 16:11:32	50
ООО QURUVCHI TA'MIRCHI-2019	199 869 257.00	196 476 757.00 UZS	196 476 757.00	00.00	196 476 757.00	31.10.2022 10:18:03	47.02256
Firdavs building new	199 869 257.00	189 463 987.00 UZS	189 463 987.00	00.00	189 463 987.00	31.10.2022 15:01:35	48.76304

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
SHAVKATBEK NAVO MCHJ	48.5	50	98.5
ООО QURUVCHI TA'MIRCHI-2019	28.5	47.02256	75.52256
Firdavs building new	41	48.76304	89.76304

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 168053 от 31.10.2022 года на приобретение Томди тумани табиий фанларни чуқурлаштириб уқитишга ихтисослаштирилган мактаб интернати иситиш тизимини жорий таъмирлаш определила победителем:

SHAVKATBEK NAVO MCHJ  
304441699

и резервный исполнитель: Firdavs building new (305902036)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	KULJANOV MUSABEK KULJANOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	OMARBAYEVA JANIMKUL MAKURUPBAYEVNA	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	BAYIMBETOV NURSEYIT TOBAKABULOVIH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	TASOV YERBOL MAXMUTBEKOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	JUNISBEKOVA ASEM YELMURATOVNA	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

00267



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"TRIUMVIRAT-0116" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"TRIUMVIRAT-0116" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

22.11.2016

00267

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

304441699

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Navoiy viloyati, Karmana tumani, Karmana, Shirin ko'chasi, 21,

Guvohnoma:

Navoiy viloyati, Karmana tumani, DAVLAT XIZMATLARI tomonidan  
MARKAZI berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



«SHAVKATBEK NAVO»

mas'uliyati cheklangan jamiyat taъsisчисининг

№ 2-сонли ҚАРОРИ

“01” НОЯБР 2021 йил

Кармана тумани

Йиғилиш соат 16:30 бошланди.

**Йиғилиш иштирокчилари**

**1 Юлдашева Наргиза Икромовна 100%**

**2. Юлдашев Отабек Шавкатович**

**Кун тартибидаги масалалар:**

1. Жамиятнинг номига ўзгартириш киритиш тўғрисида.
2. Жамиятнинг таъсисчилар сафига ўзгартириш киритиш тўғрисида.
3. Жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисида.
4. Жамиятнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш тўғрисида.

Мен, **Юлдашева Наргиза Икромовна** Кармана тумани давлат хизматлари томонидан 22.11.2016 йил 00267 -сон билан рўйхатдан ўтган “SHAVKATBEK NAVO” (стир 304441699) mas'uliyati cheklangan jamiyati taъsisчиси ҳисобланаман.

**Кун тартибидаги масалалар юзасидан:** Жамиятнинг таъсисчиси **Юлдашева Наргиза Икромовна** жамият номига ўзгартириш киритиш ҳамда таъсисчисини ўзгартириш сабабли ва Жамиятнинг янги тахрирдаги Уставини тасдиқлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 02 майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-328-сонли ва Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 06 декабрдаги “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги 310-II-сонли Қонунларига асосланиб, йиғилиш иштирокчилари

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1.«SHAVKATBEK NAVO» Масъулияти чекланган жамият номи яъни фирма номи “TRIVMIRAT-0116” Масъулияти чекланган жамиятга айлантирилсин.

«TRIVMIRAT-0116» (стир 304441699) МЧЖ “SHAVKATBEK NAVO” МЧЖнинг ҳуқуқий вориси этиб белгилансин « SHAVKATBEK NAVO» (стир 304441699) МЧЖ мухр ва тамғасини бекор қилиш таъсисчи **Юлдашева Наргиза Икромовна**га юклатилсин.

2. Масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси **Юлдашева Наргиза Икромовна** устав фондидаги 81 992 390сўмлик NEXIA 3 AV-OPTIMUM-AT SVET-GK2 KUZOV



XWBTA69V9JA037324 DVIGATEL-B15D212181077GRWX0414 автомашинани олган холда қолган улушини 90 648 000 (тўқсон миллион олти юз қирқ саккиз минг) сўмни розилик аризасига асосан **Юлдашев Отабек Шавкатович**га қолдирган холда таъсисчи сафидан чиқарилсин ҳамда янги таъсисчи **Юлдашев Отабек Шавкатович** киритилсин.

Юлдашева Наргиза Икромовна ва **"SHAVKATBEK NAVO" МЧЖ** ўртасида топшириш қабул қилиш далолатномаси тузилсин.

**1.** Жамиятнинг устав фонди миқдори 172 640 390 (бир юз етмиш икки миллион олти юз қирқ минг уч юз тўқсон) сўмдан 90 648 000 (тўқсон миллион олти юз қирқ саккиз минг) сўмга камайтирилсин.

Жамиятнинг устав фонди жами 90 648 000 (тўқсон миллион олти юз қирқ саккиз минг) сўм этиб белгилансин:

— **Юлдашев Отабек Шавкатович** 90 648 000 (тўқсон миллион олти юз қирқ саккиз минг) сўм, яъни 100,0 % 100.0 та улуш шундан **7 010 000 сўм** пул маблағи, 83 638 000 товар моддий бойликлари билан белгилансин. асос 2021 йил 28 апрелда **"NAVOIY INVEST BANO" МЧЖ** томонидан баҳоланган хисобот ва 30.05.2018 йилдаги №105 с/фактура.

**2.** Жамиятнинг янги тахрирдаги устави тасдиқлансин.

Ушбу умумий йиғилиш баённомасини бажарилиши ва **«TRIUMVIRAT-0116» mas'uliyati cheklangan jamiyat**нинг янги тахрирдаги Устави қайта рўйхатдан ўтказиш Кармана туман давлат хизматлари марказидан сўралсин.

**«TRIUMVIRAT-0116» mas'uliyati cheklangan jamiyat таъсисчиси**

**Юлдашева Наргиза Икромовна**

**Юлдашев Отабек Шавкатович**



“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
2-сонли мактаб-интернат директори:  
М. Кулжанов  
2022 йил



Навоний вилояти Томди тумани 2-сонли табиий фанларни чуқурлаштириб ўқитишга  
ихтисослаштирилган мактаб-интернатида ўтказилган йиғилиш

### **БАЁННОМАСИ**

Янги Томди кўргони 2022 йил 31 октябрь

**Йиғилиш раиси:** мактаб-интернат директори М. Кулжанов

**Котиби:** Ж. Ешмуратов

**Қатнашди:** Ж.Омарбаева, Н.Байимбетов, Е.Тасов, А.Жунисбекова

### **КУН ТАРТИБИ:**

1. Мактаб-интернатининг “xarid.uzex.uz”даги энг яхши таклифда лот рақами 168053 иситиш тизимини жорий таъмирлашда ғолиб бўлган “SHAVKATBEK NAVO” МЧЖ (стир 304441699) номига ўзгартириш киритиш ҳамда таъсисчисини ўзгартириш сабаби тўғрисида

### **ЭШИТИЛДИ**

Йиғилиш раиси, Томди туман 2-сонли мактаб-интернат директори М. Кулжанов йиғилишни очиб, кун тартибидаги масала билан йиғилганларни таништирди.

“SHAVKATBEK NAVO” МЧЖ номи яъни фирма номи “TRIUMVIRAT-0116” МЧЖ га айлантирилганлигини такидлаб ўтди.

“TRIUMVIRAT-0116” МЧЖ (стир 304441699) “SHAVKATBEK NAVO” МЧЖ (стир 304441699) нинг ҳуқуқий вориси этиб белгиланганлиги, “SHAVKATBEK NAVO” МЧЖ (стир 304441699) мухри ва тамғасини бекор қилинганлигини айтиб ўтилди.

Маъсулияти чекланган жамият таъсисчиси Юлдошова Наргиза Икромовнанин аризасига асосан Юлдошов Отабек Шавкатович янги таъсисчи бўлганлиги маълум қилди.

Йиғилиш кун тартибидаги масала юзасидан атрофлича муҳокама этилиб, билдирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, мактаб-интернатида ўтказилган йиғилиш

## ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Мактаб-интернат директори М.Кулжановнинг маърузаси маълумат учун қабул қилинсин.

2. “xarid.uzex.uz”даги энг яхши таклифда лот рақами 168053 иситиш тизимини жорий таъмирлашда қолиб бўлган “TRIUMVIRAT-0116” МЧЖ билан ҳисоб-китоб ишлари бош ҳисобчи Ж.Омарбаева зиммасига юклатилсин.

Комиссия котиби:  Ж. Ешмуратов

Комиссия аъзоси:  Ж. Омарбаева

Комиссия аъзоси:  Н. Байимбетов

Комиссия аъзоси:  Е. Тасов

Комиссия аъзоси:  А. Жунисбекова